



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2022 йил 22 декабрь, № 273 (8335)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 21 декабрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

“Тошкент” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Давлат раҳбарлари бир-бирларини самимий кутлаб, қисқа сўхбат ўтказдилар. Ўзбекистон ташқи сиёсатда бошқа мамлакатлар, хусусан, қардош Қозоғистон Республикаси билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Сўнгги йилларда ҳар томонлама алоқалар янада мустаҳкамланди.

Шу ўринда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик динамикасига тўхталиб ўтиш ўринли.

Қозоғистон ҳудудига Ўзбекистон резидентлари иштирокида 1 минг 400 дан зиёд корхоналар ташкил этилган. Қозоғистонда саноат кооперациясининг йирик лойиҳалари амалга оширилмоқда, хусусан, Қостанай, Чимкент ва Туркистонда “Ravon” автомобилларини йиғиш, машиий техника ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда эса Қозоғистон капитал иштирокидаги 1 минг 100 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда. Беш йил аввал бу кўрсаткич деярли 6 баробар кам эди. Фақатгина жорий йилнинг 9 ойида 130 та қўшма корхона ташкил этилган.

Шундан сўнг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига борди. Олий мар-

табали меҳмон Мустақиллик монументи пойга гулчамбар қўйди.

Она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида — Мустақиллик монументи ҳақида Президент Қосим-Жомарт Тоқаевга сўзлаб берилди. Ўз навбатида, олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғи, ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди.

Шу ўринда энг юқори қисмида Хумо қуши тасвирланган мажмуа ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. Мажмуа 2021 йил истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган. Унда мамлакатимизнинг қадим ва бой тарихи, бугунги кун билан боғлиқ энг муҳим воқеалар акс этган. Буюк аллома ва жаҳонгир боболаримизнинг сиймолари эса қалбларга ғурур бағишлайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланди. Ҳар икки давлат раҳбарлари ўзаро алоқаларни сиёсий, иқтисодий, инвестиция, фан-техника, маданий-гуманитар соҳаларда янада комплекс ривожлантириш, олий, юқори ва бошқа даражаларда конструктив ва ишончга асосланган мулоқотни кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлаш лозим.

Икки мамлакат ўртасида 2017 — 2019 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган иқтисодий ва товар айланмасининг ўсишига туртки берди.

Бунинг натижасида 2017 йилдан буён икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо икки бараварга, яъни 2 миллиарддан 4 миллиард долларгача ўсди ва у изчил ошиб бормоқда.

Хусусан, 2021 йилда давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо ҳажми 3,9 миллиард долларни ташкил қилган. 2022 йил январь — ноябрда 4,2 миллиард долларга етган.

Ўзбекистон Қозоғистонга транспорт воситалари, озиқ-овқат товарлари, турли хизматлар, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, тўқимачилик маҳсулотлари, қора металл ва бошқаларни экспорт қилмоқда.

Қозоғистондан ун маҳсулотлари, қора металллар, улардан ясалган маҳсулотлар, энергия маҳсулотлари, руда ва шлак, қурилиш материаллари, транспорт воситалари ва бошқалар импорт қилинмоқда.

2021 йил сентябрь ойида Хива шаҳрида “Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро форуми бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон маданият вазири ўринбосари иштирок этди.

2021 йил 6 — 8 декабрь кунлари Остона шаҳрида “Ўзбек кинеси кунлари” ташкил этилди, жорий йил ноябрь ойида Қозоғистон шаҳарларида “Ўзбек маданияти кунлари” бўлиб ўтди.

Шу йилнинг 19 декабрида Тошкентдаги Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида атоқли қозоқ ёзувчиси, файласуфи, шоири ва бастакори Абай

Қўнонбоев меросига бағишланган кўргазма очилди.

Ўзбек ва қозоқ халқлари нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида ҳам кўп қиррали ҳамкорликнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳар икки мамлакат тараққиётига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурлида “Кўксарой” қароргоҳининг Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экди.

Маросим Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларида янги давр бошланаётгани, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлашга қатъий интилишнинг ифодаси бўлди.

Қозоғистон етакчисининг мамлакатимизга давлат ташрифи асосий тадбирлари 22 декабрь куни бўлиб ўтди.

Олий даражадаги музокаралар якунида тарихий аҳамиятга эга битимларнинг имзоланиши кутилмоқда. Биргаликда йирик инвестиция лойиҳаларини бошлаб бериш ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказиш кўзда тутилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Иқром АВВАЛБЕКОВ, ҲА мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН ҲУДУДЛАРАРО БИЗНЕС ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

21 декабрь куни Тошкентда икки қўшни мамлакатнинг асосий вазирликлари, идоралари, тармоқ бирлашмалари, Савдо-саноат палаталари, холдинг компаниялари раҳбарлари ҳамда ишбилармон доираларининг 400 дан ортиқ вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев ва Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — савдо ва интеграция вазири Серик Жумангарин сўзга чиқиб, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг ижобий динамикасида ишбилармон доираларнинг фаол ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Иштирокчилар эътибори ўзаро товар айирбошлашнинг ўсиш динамикасига қаратилди. Сўнгги йилларда бу кўрсаткич икки баравар кўпайиб, 5 миллиард долларга қиннашди. Маррани 10 миллиард долларга етказиш бўйича тизимли чора-тадбирлар қўрилмоқда, бунинг учун яқин келажақда тегишли ташқи савдо инфратузими яратилди.

Инвестициявий ҳамкорлик ва саноат кооперацияси соҳасида ҳам динамик ўсиш

кузатилмоқда. Охириги 5 йил ичида мамлакатимизда Қозоғистон капитал иштирокидаги корхоналар сони 5 баробарга кўпайиб, деярли 1200 тани ташкил этмоқда.

Айни пайтда умумий қиймати 3 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 дан ортиқ қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ишга солинмаган захира ва имкониятлардан кенг фойдаланиш асосида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида бир қатор йўналишларда бевосита ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш, иккала мамлакат ҳудудига Ўзбекистон ва Қозоғистон вилоятларининг саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ярмаркаларини ўтказиш, автомобил-созлик, электроника ва электротехника, энергетика, фармацевтика, кимё ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.



Нўқтаи назар

ТАРАҚҚИЁТГА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИМИЗ ТУФАЙЛИ ЭРИШАМИЗ

Президентимизнинг парламент ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси юртдошларимизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Беш йил муқаддам Президент Шавкат Мирзиёев илк бора Олий Мажлисга Мурожаатнома йўллаб, Ўзбекистоннинг янги сиёсий анъанасини бошлаб берди. Шундай қилиб, фуқаролар билан уларнинг вакиллари бўлган парламент аъзолари орқали мулоқот қилишнинг янги механизми йўлга қўйилди. Бу йилги Мурожаатнома эса нафақат Олий Мажлисга, балки тўғридан-тўғри халқимизга ҳам қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлат раҳбарининг мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаат қилиш ҳуқуқи Конституцияимизнинг 93-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Айни вақтда Асосий Қонунга тузатишлар киритиш бўйича таклифларни ҳисобга олган ҳолда ушбу модда тўлдирilib, кенгайтирилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса давлатимиз тараққиётида стратегик характерга эга бўлган ушбу ҳужжатнинг тарихий аҳамиятини янада кучайтириши, шубҳасиз.

Айтиш жоизки, жаҳондаги қатор давлатларнинг раҳбарлари ўз мурожаатларини қонун чиқарувчи органга тақдим этишади. Мулоқотнинг бу шаклини экспертлар дунёдаги сиёсий анъана сифатида баҳолашади, унинг илдизи эса қадим замонларга бориб тақалади.

Буюк Британияда давлат раҳбари қонун ижодкорларига махсус мурожаатнома юборди. Бу тадбир парламент сессиясининг очилишига бағишланади. Қўшма Штатлар

Президенти Конгрессга ҳар йили “Мамлакатнинг аҳволи ҳақида”ги маъруза билан мурожаат қилади, унда ички ва ташқи сиёсатдаги вазият бўйича фикрлари билан бўлишиб, қайси ҳужжатларни киритиш ниятлари борлигини маълум қилади. Бундай амалиёт XVIII аср охирида илк бор шу мазмундаги нутқ билан чиққан Президент Жорж Вашингтон даврдан буён давом этиб келмоқда.

Францияда мамлакат раҳбари Бастилия қўлга киритилган

кун нишонланадиган санада ўз халқига мурожаат қилади. Хитой етакчисининг чиқишларида стратегик мақсадлар ва дастурий кўрсатмалар ўрин олади. Бундай чиқишни партия раҳбари ҳар беш йилда бир марта — съездда тақдим этади. Мулоқотнинг шунга ўхшаш шакллари МДҲ маконида ҳам мавжуд, яъни Беларусь, Қозоғистон, Россия раҳбарлари мунтазам равишда парламентга мурожаат қилишади. Шу нўқтаи назардан давлат раҳбарининг халқ вакилларига муро-

жаати бутун дунёда мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат сифатида эътироф этилади.

Жорий йил 20 декабрь куни Ўзбекистоннинг 36 миллионлик аҳолиси ҳам ана шундай ўта муҳим воқеанинг гувоҳи бўлишди. Биринчи галда даврнинг ўзига хошлигига эътибор берадиган бўлсак, Мурожаатнома геосиёсий беқарорлик, зиддиятлар ва илгари мустаҳкам бўлиб кўрилган қоидаларнинг ўзгариши натижасида нафақат мамлакатимиз ё мин-

тақа, балки бутун жаҳонда қандайдир ноаниқлик ва ҳатто ҳавотирли вазият ҳукмрон бўлган бир даврда йўлланди. Ана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда Президент Мурожаатномаси ҳам янгича шаклда тақдим этилди, дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбари ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари бўйича ўз қарашларини нафақат парламент аъзолари, балки бутун Ўзбекистон халқи билан бўлишди.



Акс садо

ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЎРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ЯНГИ ХАВФ ВА ТАҲДИДЛАРГА ДОШ БЕРА ОЛАДИГАН ЁШЛАРНИНГ ЕТИШИБ ЧИҚИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси

халқаро ижтимоий-сиёсий, эксперт ва ишбилармон доиралар вакиллари билан диққат марказида бўлиб қолмоқда.



Мулоқот

ЭЛЧИЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоевнинг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида илгари сурилган муҳим ғоя ва ташаббуслар, уларнинг амалда рўйбери таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди. Хусусан, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар ва дунёдаги стратегик шерикларимиз бўлган мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, давлат раҳбари томонидан илгари сурилган қатор ташаббуслар халқаро миқёсда қўллаб-қувватланаётгани ҳамда ана шу таклифлар асосида халқаро ташкилотларнинг ҳужжатлари ишлаб чиқилгани ва амалиётга таъбиқ этилгани алоҳида эътироф қилинди. Сенат Раиси Ўзбекистонда олиб борилаётган очик ва прагматик ташқи сиёсат парламент дипломатиясининг

аҳамиятини ҳам ошираётганини, давлат раҳбарининг бевосита ташаббуси билан сўнгги йилларда миллий парламент ўрни ва аҳамияти нафақат мамлакат ҳаётида, балки ташқи сиёсатда, хорижий давлатлар билан тобора ривожланаётган ҳамкорлик жараёнида ортиб бораётганини таъкидлади.

Шунингдек, учрашувда 2022 йил кўп ҳижатдан муваффақиятли бўлгани айтилиб, жумладан, Марказий Осиё давлатлари билан минтақавий даражада, шунингдек, МДҲга аъзо давлатлар билан парламентлараро мулоқотни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича аниқ натижаларга эришилганлиги таъкидланди. Бунинг доирасида бир қатор ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш юзасидан амалий чора-тадбирлар режалари (“Йўл харитаси”) имзолангани алоҳида эътироф этилди.



БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Илк бор ялпи ички маҳсулот ҳажми миллиард доллардан ошди.

80 Кенг қўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. 2018 йилда бу рақам 56 миллиард долларга тенг эди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса 19 миллиард долларга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.



ТАРАҚҚИЁТГА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИМИЗ ТУФАЙЛИ ЭРИШАМИЗ

Президентимизнинг парламент ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси юртдошларимизни янги марралар сари руҳлантирмакда.

Президентимиз ўз Мурожаатномасининг бошида якунига етаётган 2022 йил гоят мураккаб ва синовли йил бўлганлигини, шунга қарамай, кенг қўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошганлигини айтиб ўтди. Атрофимизда юз бераётган бунёдкорлик ишлари, иқтисодий соҳадаги туб ислохотлар бир неча йилдан сўнг 100 миллиард долларлик маррани бемалол эгаллашимизга ишонч уйғотади. Президент таъкидлаганидек, тараққиётга фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади. Олти йил давомида ортирилган тажриба ҳам шу ҳақиқатни исботлайди.

Мамлакатимизда аҳоли сони ҳар йили қарийб 1 миллионга кўпаймоқда. Давлатимиз раҳбари айтганидек, Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида тинимсиз изланишимиз. Якунига етаётган 2022 йил гоят мураккаб ва синовли йил бўлди.

Шавкат Мирзиёев адоғига етаётган йилдаги энг муҳим воқеаларга якун ясар экан, кириб келаётган янги — 2023 йилга юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном беришни тақлиф қилди. Фуқароларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида қилинган ишларни қайд этар экан, бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмоал харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилганини, ёрдам олувчи кам таъминланганларнинг қарови ҳам кенгайганини айтиб ўтди. Пенсия ва нафақалар келгуси йилда яна оширилади, бу эса янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили бўйича қуриш мақсадига ҳамохан бўлади.

Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг ақшоқ ағона тўғри йўлидир, — деди Президент.

Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак.

Давлатимиз раҳбари конституциявий ислохотга нисбатан ўз позициясини яна бир бор таъкидлади: “Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат” деган гоёни конституциявий ва қонунаришимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур синдиришимиз керак. Асосий Қонуннинг янги тахрирдан кўп нарса қутилмоқда. Шунинг учун муҳокамалар ҳамон давом этмоқда.

Мурожаатномада Президент давлат бошқаруви тизимини ҳам жиддий ўзгаришлар қўйлаётганини айтиб ўтди. Вазирлик ва идораларнинг сони икки бараварга, ходимлари сони учдан бирига камайдди, қатор вазирлар вазифасидан озод қилинди.

Айтилганидек, давлат вакиллари ўзининг ҳалол меҳнати, оддийлиги, халқсеварлиги, самимийлиги ва фойдалилиги билан одамларимиз меҳрини қозониши керак. Иккиозламачилик энди ўтмайди — халқ бундай амалдорларга ўз баҳосини беради.

Яна бир аҳамиятли жиҳати — халқ вакиллик органи бўлган парламентга кўпроқ ваколатлар берилиши айтиб ўтилди. Бу эса ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидаги улкан одим бўлиши шубҳасиз. Энг муҳими, юрт тақдирини дахлдор бўлиб, халқимизни рози қилиш учун биргаликда ишлаш керак. Чунки мақсад битта — давлатни кучлироқ, халқ ҳаётини яхшироқ қилиш.

Маъмурий ислохотларнинг иккинчи

босқичи сифатида келгуси йилда худудлардаги бошқарув тизими ҳам ислохот қилинади. Бундан бунён давлат лавозимларига фақат конкурс асосида ишга қабул қилинади. Барча раҳбарлар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб борилади. Айниқса, инвестициялар жалб этилишига эътибор берилади. Янги йилдан бошлаб ҳар бир ҳоким ўз туманига 40 — 50 миллион доллар хусусий инвестицияларни олиб келиши керак бўлади.

Умуман, Мурожаатномада худудларни ривожлантириш масаласига катта эътибор берилди. Самарқанд ва Наманган шаҳрларини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар сифатида республика бўйсунувида ўтказиш бўйича тақлиф ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Зеро, янгича ёндашув туфайли бу шаҳарларда ривожланиш янги босқичга кўтарилиши турган гап.

Мурожаатнома халқимизда катта таъ-

дан ўтди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилади.

Кейинги йилдан мактабларда ислохотларнинг янги босқичи ва халқаро мезонларга ўтиш бошланади. Шавкат Мирзиёев соҳа ходимларини ўзгаришга даъват этди, бу жуда муҳим зарурат ва талаб экани, бусиз олдинги интилиш бўлмаслигини уқтирди. Таъкидланганидек, замонавий шароитларда иккита хорижий тил ва она тилини билиш заруратга айланади.

— Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмаддан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак, — деди Президент.

Олий ўқув юртига кирмади, касбга ҳам эга бўлмади. Уларни қандай келажак кутяпти? Хорижга ишга бориши, мардикорчилик қилиши? Бу масалани ҳал қилиш



Сирожиiddин ВОҲИДОВ олган суратлар.

ҳассислиги бўйича ишга қиради. Муайян даромадга эга бўлади. Жамиятда ўз ўрнини топади.

Олий таълим тизимини ҳам жиддий трансформация кутмоқда. Ҳа, олий таълим муассасаларига кириш жараёнидаги коррупцияга барҳам беришга эришдик. Бун-

қилишича, айни вақтда судни “адолат кўргони”га айлантиришни тезлаштирувчи муҳим ҳужжатлар тайёрланмоқда. Прокуратура фаолияти ҳам ислохот қилинади. Умуман, давлат хизматида муносабат ўзгаради, айниқса — билим ва касбий малакаларни ошириш масаласида. Тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокуратурадан судга ўтказиш масаласи ҳозирданок ҳал этилмоқда.

Мурожаатномада халқимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган иллатлар ҳақида очик-ойдин гапирилиб, уларга қарши кураш бўйича аниқ чоралар белгиланди. Хусусан, Президент амалдорларнинг коррупциявий ҳаракатлари бўйича жиноий ишлар ҳақидаги рақамларни келтирди ва афсус билан буни муаммонинг илдизи билан эмас, оқибатлари билан курашиш, деб атади. Шу боис парламент аъзоларини ушбу иллатга қарши мурасиз кураш борасида қатъий назорат ўрнатилга даъват қилди.

Мурожаатномада бугунги кунда ўта долзарб бўлган экологик муаммоларга ҳам аҳамият қаратилди. Улар ҳаммага маълум: йилдан-йилга ёнғинчилик миқдори камайиб, ҳаво ҳарорати кўтарилиб бормоқда. Сув муаммоси ҳам ўткирлашяпти, бу эса катта экин майдонларининг деҳқончилик учун яроқсиз холга келиб қолшига сабаб бўляпти. Бунга жавоб сифатида қишлоқ ва сув ҳўжалигини ислохот этиш, модернизация қилиш, табиат муҳофазаси ва экология фаолияти бўйича чора-тадбирлар тақлиф этилди. Уларни қисқа муддатларда ҳал қилиш лозимлиги таъкидланди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Президент тақлифи билан шу йилнинг ўзига 100 минг гектар экин майдонлари аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб берилади. Янги деҳқон ҳўжаликлари қишлоқ аҳолиси даромадларининг ошишига, мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўлиши, шубҳасиз.

Келгуси йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилади. Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланиши белгиланади. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади. Қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилга камидан 14 триллион сўм маблағ қолади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ баъзи маъмурий ва назорат органлари томонидан хусусий секторга босим ўтказиш ҳоллари кўпаймагани ачинарли ҳолат. Президент сўзларига қўра, ўтказилган сўровларда 70 фоиз тадбиркорлар солиқ, боғжона, ҳокимият, электр, кадастр, ёнғин хавфсизлиги, санитар назорат каби идоралар томонидан маъмурий босимлар борилиги билдирган. Шундан келиб чиқиб, Президент Мурожаатномасида хусусий секторда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, бизнесни рағбатлантириш бўйича қўллаб-қувватлаш тақлифлари берилди.

Мурожаатнома аҳолини қўйнаётган энг долзарб масалаларни ўз ичига олган. Шундай мавзулардан бири — электр энергияси таъминоти. Давлат раҳбари бу соҳадаги жиддий муаммоларни очик кўрсатиб берди. Сўнгги олти йилда аҳолимииз 13 фоизга кўпайди, sanoат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 мингга етди. Натижада электр энергиясига талаб камидан 35 фоиз ошди ва бу тенденция давом этади. Аҳволни ях-

шилаш учун талаб қилинадиган маблағ ҳозирнинг ўзидаёқ ўн миллиардлаб долларни ташкил этапти. Мутахассислар Президентга энергетика соҳасида бозор муносабатларига ўтишни тақлиф қилишмоқда. Аниқроғи, бу нархни ошириш демакдир. Давлат раҳбари тан олганидек, бу таъсирчан механизм, лекин биринчи гада аҳолининг даромадларини ўйлаш керак. Шунинг учун бу соҳадаги ислохотларни шоммасдан, босқичма-босқич қилишимиз керак. Энг муҳим масала — энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш. Ким кўп энергия сарфласа, ўша бозор нархида тўласин, бу адолатдан бўлади. Эркин маблағлари бор бўлган йирик корхоналар ҳам қўёш панеллари ва коллекторларини ўрнатган ҳолда, ёруғлик ва иссиқлик билан автоном усулда таъминлашга ўтсин. Аҳоли хонадонларида эса қўёш панели ўрнатишга субсидиялар ажратилади.

Маълум қилинишича, энергетика соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида парламент аъзолари билан ҳамкорликда Энергия самарадорлигини ошириш бўйича Миллий дастур ишлаб чиқилади. Унинг қоидалари аҳоли орасида тарғиб қилинади. Бу бир марталик тадбир эмас. Энг камидан, келгуси йил бошидан охиригача шу долзарб масалага бағишланади.

Барқарор энергетика инфратузилмаси иқтисодиётга инвестициялар оқимини кучайтириш имконини беради. Ўзбекистон катта маррани эгаллади — киритилган сармоялар ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоиздан ортди. Жалб этилаётган маблағларнинг катта қисми газ, мис, олтин конларини қазилга, кимё санъатига йўнатилмоқда. Мингта яқин йирик ва ўрта корхоналарга замонавий технологияларни жалб этиш мақсадида хусусийлаштиришга қўйиш мамлакатни инвесторлар учун янада ҳोजибдор қилиш имконини беради.

Давлат тасарруфидан чиқариш бўйича бундай кенг қўламли кампания илгари ўтказилмаган. Кейинги йилдан бошлаб ўзбекистонликлар учун бир қатор йирик компанияларнинг акциялари сотувга чиқарилади. Демак, ҳар ким акция харид қилиб, фойдасидан дивиденд олиши мумкин бўлади, молия бозорига қиради.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, соҳасида қўшни мамлакатлар билан яқинлашув, ҳамкор давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни мустақамлаш борасидаги ишлар давом эттирилиши, хозирги шароитда тинчлик ва барқарорлик алоҳида қимматга эга эканини таъкидлади. Албатта, тинч ривожланиш имкони бор ҳолда ҳамма нарса омадли келади. Муҳими, шуни сақлаб қолиш. Бунинг учун Президент барчани бирлашишга, ёшлар тарбиясига кўпроқ эътибор беришга, Ўзбекистонга хос бўлган диний ва миллий аҳиллик, бағрикенгликни мустақамлашга қачирди.

Хавф-хатарлар ҳақида гапирар экан, давлатимиз раҳбари муслмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурийий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёри-мизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм гоёларига берилганлар бўлиши мумкинми, деган саволни қўйди. Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт гоёлар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат маъсул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур.



сурот қолдиргани, шубҳасиз. Юртдошларимиз Президент ҳар бир масала бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берганини эътироф этишмоқда. Бундай прагматик ёндашув, айниқса, таълим соҳасини ислохот қилиш, ўқитувчилар макомини кўтариш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳақида сўз борганда, коррупция ва буйруқбозликка қарши мурасиз бўлиш бўйича қаҳриқларда яққол сезилди.

Умуман олганда, Мурожаатномада таълим сиёсатида энг муҳим йўналиш сифатида қаралди, десак, муболага бўлмайди. Зеро, таълим ва тарбия келажакимизни белгилаб берадиган соҳа эканлиги барчамизга аён. Масалан, мактабгача таълим учун сарфланган инвестиция шахсининг интеллектуал даражаси ва ижтимоий маҳсулдорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Бугун сарфланган ҳар бир доллар 15 — 20 йилдан кейин давлатга 8 доллардан фойда келтиради. Ўзбекистонда таълимга ажратилаётган маблағлар тобора кўпайтирилаётгани ҳам шундан. 2021 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Давлат бюджетидан 2,9 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, бу йил 4,1 триллион сўм берилди. Халқ таълимини вазирлиги 25,8 триллион сўм олди, бу эса ўтган йилдагига нисбатан 3,7 триллион сўмга кўп, демакдир.

Шундай кузатиш ҳам бор: мамлакатимизда бирор муҳим янгилик аввал бирикчи худудда сынаб кўрилмакда. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари учун болаларга бепул тушлик беришни олапти. Бу амалиёт Оролбўйи мактабларида сино-

учун ечим сифатида янгича касбий таълим тизими жорий этилади. Давримиз учун жуда зарур бўлган техник касбларга ўқитиш бу вазиятни ўзгариштириш имконини

га рақобат, очиклик, хорижий ва хусусий таълим муассасаларини жалб этиш имкон берди. Бу билан таълим даргоҳларининг сонини оширишга эришдик.

Президентимиз ўз Мурожаатномасининг бошида якунига етаётган 2022 йил гоят мураккаб ва синовли йил бўлганлигини, шунга қарамай, кенг қўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошганлигини айтиб ўтди. Атрофимизда юз бераётган бунёдкорлик ишлари, иқтисодий соҳадаги туб ислохотлар бир неча йилдан сўнг 100 миллиард долларлик маррани бемалол эгаллашимизга ишонч уйғотади. Президент таъкидлаганидек, тараққиётга фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади. Олти йил давомида ортирилган тажриба ҳам шу ҳақиқатни исботлайди.

Лекин сифатни яхшилаш сари йўл энди бошланяпти.

Навбатдаги устувор йўналиш — соғлиқни сақлаш соҳаси. Президентимиз қайд этганидек, давлатимиз куйинчаклик билан ҳаракат қилаётган тадбирлар, яъни соғлом турмуш тарзини, жисмоний фаолликни тарғиб қилиш ҳали етарлича натижа бермади. Энди тиббий сўғуртани жадал жорий этиш вақти келди. Технологик хизматларни фақат пойтахт ва катта шаҳарлар эмас, балки ҳар бир туман аҳолисига етказиш керак.

Ислохотлар, албатта, ҳар бир маҳаллага етиб боради. Уларнинг ҳар биттасида спорт майдончаси, кутубхона бўлиши лозим. Солиқларнинг бир қисми маҳалланинг ўзига қолдирилади ва жойлардаги муаммоларни ҳал қилишга, аҳолини иқтисодий ҳимоялашга йўналтирилади. Синов тарихида Тошкент вилоятида ёшлар учун арзон тураржойлар қуриш бошланётгани ҳам аҳолига кўрсатилаётган гамҳўрликнинг яна бир тасдиғи бўлди.

Айтиш лозимки, Мурожаатномада берилаётган топириқлар шунчаки гаплар эмас. Ҳар бир жиҳати инobatга олиб тузилган пухта режадир. Шу боис ҳар бир топириқ ижроси учун аниқ муддатлар белгиланган. Масалан, яқин келажакда транспортдан фойдаланиш масаласида аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳри учун қўшимча равишда 1 мингта замонавий автобус сотиб олинади, 7 та ер усти метро бекати ишга туширилади. Жамоат транспорти бўйича вазият кескин ўзгаради.

Аҳоли норозиликлари сабаб бўлаётган бошқа соҳаларда ҳам тизимли ўзгариш қутилмоқда. Давлат раҳбари маълум

берилади. Яъни энди қўлида ҳўнари бор бола катта ҳаётга қадам кўяр экан, нима қилишини билмай, гангиб қолмайди. Олийоҳ талабаси бўлиш насиб этмаса, ўз мута-

берилади. Яъни энди қўлида ҳўнари бор бола катта ҳаётга қадам кўяр экан, нима қилишини билмай, гангиб қолмайди. Олийоҳ талабаси бўлиш насиб этмаса, ўз мута-

берилади. Яъни энди қўлида ҳўнари бор бола катта ҳаётга қадам кўяр экан, нима қилишини билмай, гангиб қолмайди. Олийоҳ талабаси бўлиш насиб этмаса, ўз мута-

берилади. Яъни энди қўлида ҳўнари бор бола катта ҳаётга қадам кўяр экан, нима қилишини билмай, гангиб қолмайди. Олийоҳ талабаси бўлиш насиб этмаса, ўз мута-



Умуман олганда, Мурожаатнома таълим ва тиббиётнинг сифатини кўтариш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, маҳалла қўллаб-қувватлаш, маъмурий ислохот ўтказиш ва бошқа қўллаб-қувватлаш масалаларни камраб олди.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази экспертлари ҳисоблаб чиқишича, Шавкат Мирзиёев Мурожаатномада 6 502 та сўз ишлатган. Чунончи, “таълим” сўзи 25 марта, “мактаб” — 23, “шаҳс” ва “халқ” — 22, “Конституция” ва “инвестиция” — 20, “тадбиркор” — 19, “маҳалла” — 18 марта қўлланилган. Ҳўш, бу сўзлар нега бунча кўп такрорланди? Боиси давлат раҳбари айни шу масалаларга алоҳида диққат қаратди, жамоатчилик эътиборини тортиди. Мазкур йўналишларни ривожлантириш бўйича самарали ташаббуслар, тақлифларни илгари сурди, уларни ҳаётга таътиб қилиш билан боғлиқ муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Қувонарлиси, ушбу ташаббуслар, тақлифлар, чора-тадбирларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида бундан олти йил олдин бошланган янги Ўзбекистонни бунёд этиш, унчинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек улғувор орзу-интилишларни янги мазмун билан бойитди. Уларнинг рўёбига янгича суръат бағишлайди. Бу билан халқимизнинг эртанги кунга ишончи янада юксалади, эл-юрт тақдирига дахлдорлиги кучаяди. Зеро, Мурожаатномада ислохотлар силсиласи, амалга оширилиш механизми шу қадар аниқ-тиниқ кўрсатиб берилдики, уни бир сўз билан тараққиётимизнинг харитаси, десак, муболага бўлмайди.

Ўқтир РАҲМАТ.

ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЎРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ЯНГИ ХАВФ ВА ТАҲДИДЛАРГА ДОШ БЕРА ОЛАДИГАН ЁШЛАРНИНГ ЕТИШИБ ЧИҚИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Такаши ХАТОРИ, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон Президенти Мурожаатномасидаги иштиёқ ва жўшқинлик, сиёсий қарашлар, мамлакат халқи ва унинг келажигига бўлган муносабат менда катта таассурот қолдирди.

Давлат раҳбарининг таълим-тарбияга алоҳида урғу бергани жуда қувонтирди. Ёш авлоднинг мустақам билимга эга бўлиши давлат тараққиёти учун жуда зарурдир, деган фикрга тўла қўшилишим.

Япония ҳукумати Ўзбекистон томони билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдордир.

Мамлакат раҳбари, шунингдек, хорижий тилларни ўрганиш аҳамиятини ҳам қайд этди. Шу нуқтаи назардан, япон тилини билиш ҳам икки томонлама муносабатларимизни ривожлантиришига катта ҳисса қўшишни қайд этишни истар эдим.

Япония ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли соҳалардаги ҳамкорлик изчил давом этишига ишонаман.

Маниш ПРАБХАТ, Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Мурожаатномада мамлакатнинг истиқболдаги тараққиётига оид чуқур қарашлар ўз аксини топди. Президент 2023 йилни Ўзбекистонда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили», деб эълон қилди. Бу халқ фаровонлигига етаклайдиган маърифатли раҳбарликдан нишон. Биз аҳолининг иқтисодий базасини мустақамлаш муҳимлигини яхши тушунамиз, бусиз барқарор тараққиётга эришиш гайримمқондир.

Президент мактаб ва мактабгача таълимнинг аҳамиятига янада кўпроқ эътибор қаратмоқда. Дарвоқе, давлат раҳбари томонидан тилга олинган мактабларда ўқувчиларни беғул тушиқ билан таъминлаш Ҳиндистондаги давлат мактабларида ҳам жорий этилмоқда. Менимча, мақсад ва гоғларимиз муштарак.

Президент Шавкат Мирзиёев бошқа қатор соҳаларда ҳам кенг қўллам ислохотлар олиб борилаётганини қайд этди. Ҳиндистон Ўзбекистон билан барча соҳада стратегик шерик сифатида ҳамкорлик қилишга тайёр. Олий таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ўзаро алоқаларимиз янада жаддалашмоқда.

Аҳмад ал-КАСИРИЙ, Ўмон Султонлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон Президенти Мурожаатномаси жуда кенг қамровли бўлди, иқтисодий сиёсий ҳаётнинг барча жабҳасини қамраб олди. Ушбу дастуриламал муваффақиятлар, ортада қўлаётган йил якунлари ва 2023 йилга мўлжалланган режалар эълон қилинди. Шу билан бирга, республикани сиёсий, иқтисодий ва иқтисодий модернизация қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Шавкат Мирзиёев ўз Мурожаатномасида инвестицияларни жалб этиш масалаларига алоҳида тўхталди. Маълумки, Ўзбекистон ва Ўмон 500 миллион АҚШ долларига тенг сармоявий компания ташкил этган. Ўмон сармоядорлари учун Ўзбекистон Президентининг мамлакатдаги мингта яқин корхоналар хусусийлаштирилишини эълон қилгани, шубҳасиз, иқтисодиётга катта сармоя жалб этиш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Мурожаатномада таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Умид қиламиз, Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш бўйича қўрилаётган изчил чора-тадбирлар замонавий дунёда янги хавф ва таҳдидларга дош бера оладиган ёшларнинг етишиб чиқишига хизмат қилади.

Барча билдирилган ташаббуслар жамиятни янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини мустақамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Тило КЛИННЕР, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Давлат раҳбари томонидан 2023 йил Ўзбекистонда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили», деб эълон қилингани келгуси йилда мамлакатда иқтисодий сиёсатни янада қулайтиришга алоҳида эътибор қаратилишидан далолат беради, деган хулосага келиш мумкин. Шунингдек, Мурожаатномада иқтисодиётни модернизация қилиш, хорижий сармояларни фаол жалб этиш, хусусийлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, «яшил энергия»ни жорий этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Санаб ўтилган бу соҳаларнинг кўпчилигида Германия Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Сизни ишонтириб айтаманки, келаётган 2023 йил Германия — Ўзбекистон муносабат-

ларини янада ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Аҳмад ТАРАБЕК, сиёсатшунос, Марказий Осиё бўйича мутахассис (Миср):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси билан яқиндан танишар эканман, ушбу ҳужжатни кенг қўламли ислохотлар дастури, деган фикрга келдим.

Президент икки соатдан кўпроқ давом этган маърузасида ўзбек жамиятини ташвишга солаётган асосий ва долзарб муаммолар ва уларнинг аниқ ечимларини тилга олди.

Хусусан, одил суд тизимини яратиш, адвокатлар ролини ошириш, жамиятда инсон ҳақрини мустақамлаш, аҳолига малакали давлат хизматлари кўрсатиш, таълим ва соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорлик раванқи учун янги имкониятлар яратиш, бюрократия, коррупцияни йўқ қилиш бўйича аниқ-равшан йўл-йўриқлар берилди. Келгуси йилнинг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили», деб эълон қилиниши ҳам ушбу тақлифларнинг амалга оширилишидан далолат беради.

Шу ўринда хорижий инвесторларнинг мамлакатга ишонч билан сармоя киритиши учун тўққинчи қўлаётган айрим масалалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Фақатгина қонун устувор бўлган ва адолатли суд тизими ўрнатилган давлатдагина том маънодаги эркин иқтисодиёт гуркуб ривожланади. Маълумки, Ўзбекистон бозорига кирмоқчи бўлган салоҳиятли сармоядорлар кўп. Шавкат Мирзиёев томонидан тақлиф этилаётган чора-тадбирлар эса мамлакат иқтисодиётининг сезиларли даражада ўсиши ва аҳоли фаровонлиги юксалишига олиб келишига аминман.

Илгар ВЕЛИЗАДЕ, Жанубий Кавказ сиёсатшунослари клуби раҳбари (Озарбайжон):

— Давлат раҳбари нуқтининг мазмун-моҳияти Ўзбекистон ўз фуқароларининг муаммоларини ҳал этаётган иқтисодий йўналишлардан давлат бўлиб қўлаётганини яққол намойён қилди. Мамлакат етакчиси глобал нотинчлик ва иқтисодий мавҳумлик шароитида ҳам ҳукумат нафақа ва пенсияларни ошириш борасидаги сасй-харакатларини давом эттиришини, иқти-

мой таъминот масалалари устида ишлашни тўхтатмаслигини алоҳида таъкидлади.

Президент мамлакатда амалга оширилаётган конституциявий ислохотга тўхталар экан, бу жараён катта янгиликлар ва ўзгаришлар олиб келишига урғу берди. Ўзбекистон раҳбарияти замон талаби бўлган ушбу ўзгаришларга муносиб жавоб бермоқда. Хусусан, Шавкат Мирзиёев давлат бошқаруви тизимини кенг қўламли ислохот этишини эълон қилди, бу эса давлат аппарати ҳаракатчанлигини оширишга, ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини юксалтиришга олиб келади.

Давлат раҳбари томонидан 2023 йилнинг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили», деб эълон қилиниши Ўзбекистон ўз фуқаролари манфаатларини юксак ўринга қўяётганининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Ҳикмет ЭРЕН, Евроосий иқтисодий алоқалар уюшмаси — «EcoAvrasya» бошқарувининг раҳбари (Туркия):

— Ўзбекистон Президентининг бу йилги Мурожаатномаси таълим соҳасига алоҳида эътибор берилгани билан диққатимни тортиди. Президент «наҳот — таълимда», дея алоҳида таъкидлади. Дарвоқе, 2023 йилнинг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили», деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Келгуси йилда 70 та мактаб қурилиши, 460 та мактабнинг кенгайтирилиши, хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб лойиҳаларининг бошланиши ва энг эътиборлиси барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида беғул овқатланиш жорий этилиши ҳақида тақлифлар Ўзбекистоннинг келажак авлодга бўлган эътиборини яққол намойён қилади.

Мурожаатномада, шунингдек, ислохотлар қўламини ошириш, хусусан, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг ўсиш суръатларини тезлаштириш бўйича белгиланган вазифаларга алоҳида урғу берилгани ҳам таъкидлаш зарур.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг давом эттирилиши ва ички имкониятлар тўлиқ сафарбар қилингани ҳолда хусусий секторнинг янада қўлаб-қувватланиши, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш хорижий инвесторлар фаолияти учун янада кўпроқ шароитларни яратди.

Ишончим комилки, кириб келаётган янги, 2023 йилда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилади ва мамлакат кўзалган марраларига катта муваффақият билан эришади.

«Дунё» АА.

БУНЁДКОРЛИККА ДАЪВАТ

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасини, мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, тарихий аҳамиятга эга дастуриламал ҳужжат бўлди, десак айни ҳақиқатдир. Зеро, унда якунига етаетган йилда қўлга киритилган ютуқ ва натижаларимиз келтирилиши баробарида, келгуси йилда амалга оширишимиз зарур бўлган энг устувор вазифалар ҳам ўз ифодасини топган.



Халқимизда йил йилга ўхшамайди, деган тоғиб айтилган ҳикмати гап бор. Якунига етиб бораётган 2022 йил дунёда рўй бераётган зиддият ва қарама-қаршиликларга қарамадан, мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий ва халқаро ҳаётида ютуқлар ва ижобий ўзгаришларга бой бўлди.

Маълумки, бугун Ўзбекистон тараққиётнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳасида улкан ўзгаришлар юз берапти. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон раҳбари бошчилигида замонавий давлат қуриш учун олиб борилаётган ислохотлар йўлидан ортага кайтмаслигига тўла ишонч билан қараётгани бунинг исботидир. Бу сасй-харакатлар юртимизни ривожланган давлатлар қаторига чиқариш, муҳими, халқимиз ҳаётини яхшилашга йўналтирилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Шу ўринда Президентимизнинг таълим соҳасида олиб борилаётган қўлағдор ислохотларни изчил давом эттириш, кимё саноти, электротехника, транспорт ва энергетика соҳаларидаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан биргаликда Мўҳандислик мактабларини ташкил қилиш орқали янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратиш бўйича тақлиф буғунги кундаги энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими бўлади. Негаки, кейинги йилларда мамлакатда қўлаб саноат ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилиши малакали мўҳандис кадрларга булган талабни оширмоқда.

Зеро, тараққиёт илм-фан ривожини, янги технологияларнинг ҳаётга таъбиқ этилиши ҳамда интеллектуал салоҳият, дунёқараши кенг, юксак маънавияти ёш мўҳандис ва мутахассисларга болғик.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари кон-металлургия соҳасида амалга оширилаётган йилги лойиҳалар қаторида 2023 йилда «Пистали» қонид олинган рудасини қайта ишлаш мажмуаси қурилиши якунлаштириш ҳам айтаб ўтди. Айни вақтда «Пистали» қони неғизда йилга 4 миллион тонна олтин маддини қайта ишлайдиган 6-гидрометаллур-

гия заводи қурилиши жадвал суратда олиб боришмоқда. Мазкур заводнинг ишга туширилиши натижаида 2000 дан ортқк янги иш ўринлари яратилиб, қўлаб ёшларимиз иш билан таъминланади ва бу Нурота тумани иқтисодий-иқтисодий ривожланишига катта туртки беради.

Ҳозирги шиддатли тараққиёт даврида кон-металлургия соҳасини янада ривожлантириш бўйича олдимизда муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Хусусан, комбинатни трансформация қилиш жараёнини давом эттиришимиз, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилган ҳолда, йилрик лойиҳаларни амалга оширишимиз, бугуннинг талабига жавоб берадиган малакали мўҳандисларни тайёрлаш борасида қўлаб ишларни бажаришимиз талаб этилади.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, бу ишларимиз, эришаётган улкан ютуқ ва муваффақиятларимиз замирида жамиятимиздаги тинчлик, оқсоқиллик ва тотувлик ҳам этувчи омил бўлиб хизмат қилаётди.

Ўз навбатида, Мурожаатнома ҳар биримизни улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига даъват этиши билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Навоий кон-металлургия комбинатининг кўп миң кишилик жамоаси ҳам унда қутирилган ҳар бир масалага чуқур ва жиддий ёндашиб, уллардан келиб чиқадиган вазифаларни ўз вақтида бажариш ҳамда қонжонан Ўзбекистонимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш йўлида самарали меҳнат қилади.

Кувондик САНАҚУЛОВ, «НКМ» АЖ бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЭКОЛОГИЯ ВА ЭНЕРГЕТИКА БАРҚАРОРЛИГИ — МУҲИМ ОМИЛ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида бошқа долзарб йўналишлар баробарида бугунги кунда дунё бўйича глобал муаммага айланган атраф-муҳит ифлослигини, интенсив характерга эга бўлиб бораётган сув танқислиги ҳамда иқтисодиётнинг ҳаракатга келтирадиган энергетика соҳаси билан болғик устувор вазифалар ҳам белгилаб берилди.



Хусусан, мамлакат етакчиси экология ва сув танқислиги муаммоси ҳақида тўхталар экан, бугун глобал экотизим жиддий ўзгариб бораётгани, ёнғинларчилик охириги 15 йилда 25 фоизга қисқаргани, ёздаги жазирани иссиқ давомийлиги ўзайгани, охириги 3 йилда Амударёнинг қўриги миктақасида жойлашган ҳудудларда тизимли қуроқчилик қузеллаётгани, бу эса мазкур масалага жиддий ёндашув зарурлигини кўрсатётгани алоҳида таъкидлади. Қолаверса, сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни жорий этиш ҳам ниҳоятда муҳим. Шу мақсадда келгусида 13 миңга яқин сув ўҳжалари объектлари рақамлаштирилади, 16 та йилрик насос станицияси давлат-хусусий шериклиги асосида модернизация қилиниб, мўқобил энергияга ўтказилади. Қўшимча равишда сув солиғи бўйича тушулларнинг бир қисми туманларда сугорил хизматларини ривожлантириш ҳамда ариқ, зовур ва каналларни бетонлаштириш энергия лойиҳаларини амалга ошириш топшириғи берилди.

Қисқаса, Мурожаатномада долзарб вазифалар билан бирга, янги гоғлар илгари сурилди, янги қараш, янги гоғ ва янги режалар давлатнинг истқиболга, Ватан равнақи ҳамда халқимизнинг фаровонлигига дахлдор ҳаракатларини, амалий натижаларни белгилаб бериши аниқ.

Фахриддин САМАДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Экспорт ҳажми 23 миллиард доллардан ортади

Кейинги йилларда мамлакатда амалга оширилган кенг қўламли ва самарали ислохотлар натижаида ялпи ички махсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилди, экспортимиз эса 19 миллиард долларга етди.

Ҳаётимизнинг барча соҳасида муҳим ўзгаришлар юз бериб, мамлакат иқтисодиёти режалаштирилган суръатлардан ҳам юқори ривожланишда давом этапти. Нуфузли халқаро ташкилотлар, банк ва молия муассасалари

Ўзбекистон аҳолисининг даромадлари муттасил ошииб бораётганини, мамлакатдаги янгиликларини алоҳида эътироф қилмоқда.

Илгари бундай натижалар бўлганми? Йўқ, албатта. Буларнинг барчасига Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, тадбиркорларга яратилаётган шароитлар, қўлаб-қувватлаш туғайли эришяпмиз, десак, айни ҳақиқат.

Албатта, ушбу тарихий дастурда белгилаб берилган Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ижроси-

ни таъминлашда парламентимиз ва сиёсий партиялар зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юкланди.

Шу нуқтаи назардан, биз, депутатлар Мурожаатномадан ўзимиз учун қўлаб вазифалар белгилаб олдим. Очиғи, маърузада қутарилган баъзи гоғлар биз учун мутлақо янгилик сифатида янги қараш руҳ бағишлади. Демак, биз, аввало, халқ билан, сайловчиларимиз билан мулоқотимизни изчил давом эттиришимиз лозим.

Ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади

Мурожаатномани диққат билан тингладик. Шу асосда 2023 йилда қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар қўлиб давом эттирилиши, соҳага эътибор икки баробар ошишига яна бир бор амин бўлдим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бу даражада катта аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Бу соҳани ривожлантириш орқали юртимиз аҳолиси истеъмоли учун эри сифати ва ҳамёнбоп махсулотлар етиштирилади. Одамларимиз бандлиги таъминланади, янги иш ўринлари яратилади, экспорт ҳажми ортади.

2023 йилда сув таъминоти яхши бўлган 100 миң гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратиб ҳисобидан эса қарийб 350 миңта янги деҳқон хўжалиғи ташкил этилади. Юртбошимиз айтганидек, агар жами 750 миңта янги деҳқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира оلسак, қишлоқда жуда кўп иқтисодий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади.

Махсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш, бандликни таъминлаш мақсадида бошланган ижобий тажриба давом эттирилиб, деҳқон хўжалиқларини ташкил қилиш учун қўшимча 100 миң гектардан ортқк ер аҳолига қаратилиши эса миллионлаб қалбларда эртанги кунга умид ва ишончини янада мустақамлади.

Умуман, Мурожаатномада ақунланаётган йилда эришилган муваффақиятлар ҳамда 2023 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, олдимиздаги режалар белгилаб берилдики, уларнинг ижросини таъминлаш ҳар бир депутатни бефарқ қолдирмасдан, ушбу жараёнларда фаол иштирок этишига ундайди.

Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

МАЗМУНАН БОЙ ВА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган наватбаддаги Мурожаатномасини мазмун-моҳиятига кўра, халқ манфаати йўлидаги, қолаверса, одамларни рози қилишга қаратилган ислохотларнинг манғийқий давомини ҳамда муҳим дастуриламал маёқ сифатида эътироф этиш мумкин.

Мурожаатномада қайд қилинган устувор йўналиш мамлакатимиз равнақи, халқ фаровонлиги ва «Инсон қадри учун» тамойили янада изчил таъбиқ этилишида гоғат долзарб аҳамиятга эга. Буни кенг жамоатчилик вакиллари ҳам алоҳида эътироф қилишмоқда.

Озодалик ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланishi керак

Мурожаатномада юрт равнақи билан болғик жуда муҳим масалалар, жумладан, экология ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари экологик муаммоларни бартараф этишда маҳаллаларнинг ролини қулайтириш масаласига тўхталиб, табиятимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ҳамда атраф-муҳитни тоза тутиш келаси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланishi кераклигини билдирди.

Шубҳасиз, экологик ҳолатни янада яхшилаш учун экология ва атраф-муҳитни асраб-авайлаш сасй-харакатлар, хусусан, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар қулайтирилади.

Албатта, кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа қатори экологик хавфсизликни таъминлаш ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини химоя қилиш масалалари йўналишида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина сув ресурсларини самарали бошқариш, сув тежайди-

ган ва рақамли технологияларни жорий этиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш ҳисобига жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 5,5 млрд.м² сув тежалашига эришилди.

Шунингдек, кейинги беш йилда жами 642,4 миң гектар, жумладан, 308,6 миң гектарда томчилик, 14,7 миң гектарда ёмғирлатиб, 10,6 миң гектарда дискрет сугорил технологиялари ва 78,8 миң гектарда эгилувчан қувурлар, 20,9 миң гектарда эгтага пленка тўшаб сугорил технологиялари жорий қилинган. Зеро, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Мурожаатномада яна бир муҳим гоғ илгари сурилдики, бу аҳолининг энергия ресурсларига бўлган талабини қондириш мақсадида йилрик лойиҳаларни амалга ошириш, хусусан, аҳоли учун кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларида фойдаланишни қулайтириш билан болғик, бу жараёнда аҳолининг эқтиёжман қатлами субсидиялаш институтини орқали қўлаб-қувватлаш мамлакатимизда «Инсон қадри учун» тамойилининг амалдаги яққол исботидир.

Хайрулло ҒАҒФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.



Мурожаатноманинг аксарият қисми иқтисодиёт ва унинг таркибий ислохотларига бағишлангани ҳам катта маъно бор. Бугун жаҳон иқтисодиётида қузеллаётган мураккаб вазият мазкур тармоқда кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириши тақозо этмоқда.

Мурожаатномани диққат билан тингладик. Шу асосда 2023 йилда қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар қўлиб давом эттирилиши, соҳага эътибор икки баробар ошишига яна бир бор амин бўлдим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бу даражада катта аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Бу соҳани ривожлантириш орқали юртимиз аҳолиси истеъмоли учун эри сифати ва ҳамёнбоп махсулотлар етиштирилади. Одамларимиз бандлиги таъминланади, янги иш ўринлари яратилади, экспорт ҳажми ортади.

2023 йилда сув таъминоти яхши бўлган 100 миң гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратиб ҳисобидан эса қарийб 350 миңта янги деҳқон хўжалиғи ташкил этилади. Юртбошимиз айтганидек, агар жами 750 миңта янги деҳқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира оلسак, қишлоқда жуда кўп иқтисодий муаммолар, аввало, ишсизлик ва кам

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОФИСТОН ҲУДУДЛАРАДА БИЗНЕС ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

— Халқаро бозорларга махсулотларимизни олиб чиқиш мақсадида қиёсий унликларимиз асосида юксак технологияли корхоналарни ташкил этиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш ва юқори қўшилган қийматга эга махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича сай-ҳаракатларимизни бириктириш алоҳида аҳамият касб этади, — деди Жамшид Хужаев.

Хусусан, ўзаро манфаатли кўшма лойиҳалар сонини

кўпайтириш учун икки мамлакат ҳам улкан салоҳиятга эга экани таъкидланди. Зеро, мамлакатларимизда бунинг учун зарур бўлган саноат, технологик, меҳнат ресурслари ва табиий бойликлар мавжуд. Ўзаро келишиб, жипсикда иш олиб борилса, ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқса бўлади.

— Ўзбекистон биз учун Марказий Осиёдаги асосий, ишончли ва истиқболли ҳамкордир. Мамлакатлар ўртасида тобора ривож-

ланиб бораётган савдо алоқалари дўстона муносабатларимизнинг локомотивига айланди. Қозоғистон Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликни ривожлантиришга қатъия қарор қилди. Форумнинг мавжуд, ўзаро келишиб, жипсикда иш олиб борилса, ҳамкорликни ривожлантириш ва жаҳон бозоридан Марказий Осиё брендларини яратиш муҳимлигининг яна бир исботидир, — деди Серик Жумангарин.

Форум давомида вазирлик, идоралар, тармоқ бирлашмалари

ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари, шунингдек, икки давлат ишбилармон доиралари вакиллари тақдирлар ўтказдилар. Уларда ҳамкорлик салоҳияти атраф-лича очиб берилди ва амалга оширишга мўлжалланган тайёр истиқболли лойиҳалар тақдир этилди. Шунингдек, тадбир давомида бўлиб ўтган "Б2Б" ва "Г2Б" музокаралари чоғида ўзаро ҳамкорликнинг молиявий-техник жиҳатлари ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишда давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш механизми муҳокама қилинди.

Тадбирлар якунида делегациялар раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоий ҳамкорликни янада кучайтириш, мустаккам ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, қўшма лойиҳа ва ташаббусларни амалга оширишда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга содиқликларини билдирдилар.

Форум якунида бўйича Самарқанд ва Туркистон шаҳарлари ўртасида Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битим, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига доир инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини ўзида мужассам этган алоҳида "Йўл харитаси", шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган умумий қийматга 3 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишувлар имзоланди.

Сандмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.



ЭЛЧИЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Бундан ташқари, араб мамлакатлари, хусусан, Миср Араб Республикаси ҳамда Араб давлатлари лигаси қонун чиқарувчи органи — Араб парламенти билан алоқалар ҳам янги босқичга кўтарилган ва қатор ўзаро манфаатли келишувларга эришилгани айтилди.

Учрашув давомида дипломатик муассасалар фаолияти қатор муҳим вазифаларни ҳал қилишга қаратилиши лозимлиги ҳам қайд этилди. Жумладан, хоржий мамлакатлар парламенти билан қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашишда ташкилий кўмак кўрсатиш, Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар ва хоржий давлатларнинг ҳудудлардаги депутатлар бирлашмалари ўртасидаги мулоқотини кучайтириш, муҳими, хоржидаги Ўзбекистон фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби чораларни қўллайишга алоҳида эътибор қаратиш ва фаоллик кўрсатиш зарурлиги айтилди.

Учрашув якунида 2023 йилда мамлакат парламенти олдига қатор муҳим халқаро тадбирларни юқори савияда ўтказиш вазифаси турганига ва бунда хоржий дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари бевосита фаол иштирок этиши ҳамда муносиб ҳиссасини қўшиши лозимлиги эътибор қаратилди.

Шундан сўнг Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида Ўзбекистон Республикасининг хоржидаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Ўзбекистон дипломатик миссиялари раҳбарлари томонидан хоржий давлатлар билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро ва минтақавий ташаббусларини таъбиқ этиш, бириктирилган ҳудудлар ва иқтисодий алоқалар, хоржий ишлар, аниқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда республика ҳудудларига туристлар оқимини кўпайтириш бўйича бажарилган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берилди.

Танқидий ва мазмунли руҳда ўтган муҳокама давомида дипломатик ваколатхоналарнинг барча масала ва устувор вазифалари қўриб чиқилди, халқаро ташаббуслар ва республиканинг иқтисодий манфаатларини илгари суриш, шунингдек, хоржида мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасидаги фаолияти самарадорлигига баҳо берилди.

Мажлис якунида қабул қилинган қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг парламент ва мамлакат вакил-Мажлисидаги фаолияти баҳолаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, элчи-хоналар ва ваколатхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди, давлат манфаатларини халқаро майдонда илгари суриш бўйича зарур тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСГА КИРИТИЛИШИ КУТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Кеча Сенатнинг қатор қўмиталари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида киритилиши кўзда тутилаётган масалалар ҳар тарафлама таҳлилдан ўтказилди.

Сенат қўмиталарида

Гендер тенгликка эришиш стратегияси ижроси қандай бормоқда?

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, қўмита экспертлари гуруҳи аъзолари, вазирлик ва идоралар ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Мажлисида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ижроси ва уни 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Мажлис давомида гендер тенглигини таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича маълумот берилди.

Таъкидланганидек, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган қонунчилик асосини янада такомиллаштириш мақсадида 40 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш йўналишида сайловнинг барча босқичида хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг асосда иштирок этишини қузатувчи 11 та индикатор ишлаб чиқилган. Мазкур индикаторлар 2021 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясидадан бошлаб амалиётга таъбиқ қилинган.

Давлат бошқаруви академияси томонидан раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича 40 соатлик малака ошириш курси ташкил этилиб, унда ҳамма 9 619 хотин-қиз ўқитилди.

Шунингдек, 2022 йилда хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ва улар муаммолари билан шуғулланганидан нодавлат нотижорат ташкилотларига 17,1 млрд. сўм миқдоридagi грант маблағлари ажратилди.

Тадбирда ўз вақтида бажарилмаётган вазифалар танқидий муҳокама қилиниб, тегишли вазирлик ва идораларга кўрсатмалар берилди.

Қолаверса, Халқаро меҳнат ташкилотининг "Меҳнат соҳасида таъбиқ ва зўра-вонликка барҳам бериш тўғрисида"ги (2019 йил 10 июндаги 190-сонли) конвенциясидаги халқаро стандартлар ва нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масаласини яқунлаш, меҳнат соҳасидаги гендер статистикаси маълумотларини халқаро тавсияларга мувофиқ такомиллаштириш, иқтидорли ёш хотин-қизларнинг юқори нуфузли идораларда стажировка ўташ камровини кенгайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Мурожаатнома мазмун-моҳияти юзасидан ўзаро фикр алмашилди

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида кеча кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Мурожаатномада давлат раҳбари томонидан бугунги кун учун ўта муҳим саналган масалаларга эътибор қаратилгани таъкидланди. Жумладан, мактаб битирувчиларнинг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмадан кириб келмоқда. Бу масалани ҳал қилишда 700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарур. Шу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилди.

Шунингдек, Мурожаатномадан келиб чиқиб, келажакда бажарилиши лозим бўлган муҳим масалалар ва бу борадаги ҳамкорлик режалари келишиб олинди.

Мажлисида яна бир муҳим масала — 2023 йилги Давлат бюджети ҳам муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда барча соҳани, хусусан, ёшлар, маданият ва спорт соҳасини янада ривожлантириш учун 2023 йилда катта миқдордаги маблағлар йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Хусусан, Давлат бюджети лойиҳасига қўра, "Ёшлар дафтери"га киритилганларга амалиёт ўтаган вақтида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари

миқдориди ҳар ойлик субсидиялар бериш учун йил охиригача 14,6 млрд. сўм, 673 нафар чим етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш харажатлари учун республика бюджетидан 120,1 млрд. сўм маблағлар ажратилиши назарда тутилган.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият марказларини миллий чолғу асбоблари билан таъминлашга 6,8 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, юрими, юғурими, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва "Workout" спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун 50 млрд. ҳамда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш учун 62,1 млрд. сўм ажратилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек, археологик ишлар учун 150 млрд. сўм йўналтирилиши режа қилинган.

Муҳокамалар давомида вазирлик ва идора масъуллари томонидан соҳани ривожлантириш учун шакллантирилган бюджет маблағлари ҳамда келгусида уларнинг мақсадли сарфланishi бўйича тўлиқ маълумот берилди.

Қонунда қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг мажлисида янги таҳрирдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонун кенг муҳокамадан ўтказилди.

Қайд этилганидек, янги таҳрирдаги қўмитасининг мажлисида профилатикасининг асосий вазифалари ва принциплари белгиланган. Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар доираси, улар ваколатлари, фаол иштирок этувчи фуқаролар ва нодавлат нотижорат ташкилотларини рағбатлантириш тартиби мустаҳкамланган. Айни чоғда ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ОАВ ва фуқаролар иштирокига оид масалалар еритилган, хуқуқбузарликларнинг умумий, яқка тартибдаги, викимонологик профилактикаси, хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси каби турлари белгиланган ҳамда уларни қўллаш шартлари ва асослари очиб берилган.

Шундай бўлса-да, қонунда қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган бир қатор масалалар мавжудлиги қайд этилди. Хусусан, ушбу ҳужжат билан "Алкоғоль ва тамаки махсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонуннинг ёш бўйича нормаларида но-мувофиқлик мавжуд, яъни вояга етмаганлар ва 21 ёшгача бўлган шахслар билан боғлиқ муносабатларга ҳар иккала қонунда ягона ва мақбул ёндашувни ифода этиш зарурати бор.

Шунингдек, қонуннинг 3-моддасида баён этилган асосий тушунарларда вояга етмаган назоратсиз шахс вояга етмаган шахсининг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлангани ёки уларни лозим даражада бажармаганилиги оқибатида ҳулқатвори назоратсиз қолган, вояга етмаган шахс сифатида таърифланган. Бу масалада вояга етмаган шахсининг ота-онаси томонидан таъминлаш мажбурияти турлича тушунилишини инобатга олиш лозим. Айнан Конституциянинг 64-моддасига мувофиқ ота-оналарга ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялаш мажбурияти юклатилган. Шу маънода, вояга етмаган назоратсиз шахс бўйича берилган тушунишни Конституциянинг 64-моддасига асосан қайта кўриб чиқиш зарур.

Қўмита мажлисида мамлакатимиз Куролли Куллари қурилиши ва уни янада ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, фуқароларнинг ҳарбий хизматини ўташи ва мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа масалалар юзасидан Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар, шунингдек, 2022 йилнинг ўтган даврида вазирлик тизимида фуқаролар мурожаатлари билан қайта кўриб чиқиш зарур.

Вазирликнинг ахбороти тингланди

Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси мажлисида "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, қонунда ҳудудларнинг бюджетлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра бажарилмайдиган ва молия йили охиригача шу маблағлар тушиш эҳтимоли бўлмаган даро-

мад турларининг прогноз кўрсаткичлари аниқлаштириб берилиши ҳамда ушбу сумма бошқа даромад манбаларидан ёки республика бюджетидан қопланиши белгиланмоқда.

Тадбирда Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш стратегиясида белгиланган берилган вазифаларнинг амалга оширилиши ҳолати юзасидан Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг ахбороти кўриб чиқилди.

Вазирлик ахборотига қўра, жорий йилда 4,5 млн. гектарга қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилиб, 3,5 млн. тонна пахта хомашеси, 7,2 млн. тонна бошқоқ дон махсулотлари етиштирилган. Шунингдек, 103 минг гектар майдон қайта фойдаланишга киритилиб, суғорилмаган, чўл, адир ҳудудлардаги лалми-йиллов ерларни ўзлаштириш ҳамда ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш натижасида 60 минг гектариди экинлар экилган.

Ўз навбатида, ютуқлар билан бирга, мавжуд камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Масалан, стратегия ижросига масъул бўлган вазирлик ва идораларда амалга оширилган ишлар бугунги кун талабига жавоб бермайдди. Соҳани ривожлантириш бўйича янги ташаббуслар ва лойиҳалар ўз вақтида мувофиқлаштирувчи кенгаша тақдим этилмаган. Масъул вазирлик ва идоралар бунга ягона тизим сифатида қарамаётганилиги оқибатида асосий ижрочи бўлган Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ташлаб қўйилган. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар етарли даражада эмас, хусусан, таҳлилларга қўра, келгуси йил пишиқилган мавсумига қадар республиканинг бир қатор ҳудудларида аҳоли истеъмолчи учун айрим махсулот турлари етишмаслиги таъкидланди.

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи ички идоравий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, улардаги механизмлар тўлиқ жорий этилмаган.

Шунингдек, қўмита аъзолари ҳудудий электр тармоқларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, аҳоли билан учрашув ва сайёр қабуллар ташкил этиш, шунингдек, қўра-риланган масала ва муаммоларни ҳал қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича ахборотини муҳокамадан ўтказди.

Айтилганидек, жорий йилда соҳадagi муаммолар юзасидан ҳудудий электр тармоқларига январь — ноябрь ойларида 79 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган ва шундан 95 фоизга яқинининг ижроси таъминланган.

Мажлисларда кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталари тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Фракцияларда

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг навбатдаги йиғилиши ўтказилиб, унда Президентимизнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқиб, истиқболда бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланганлиги айтилди. Шунингдек, мамлакат раванкига оид бир қатор қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Чўночи, **ЎзЛиДеП** Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилишида келгуси йил 1 январдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилиши ҳисобига тадбиркорлар ихтиёрида йилга камиди 14 триллион сўм маблағ қўлиши, илгор тажрибалар асосида солиқ ва боқона таъмирчилиги ислоҳ қилиниши алоҳида эътироф этилди. Бу каби имкониятлар ЎзЛиДеП электорати бўлган тадбиркорларнинг сони ошишига, уларнинг имкониятларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши айтилди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва унинг парламентдаги фракцияси тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлаши, ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, аиникса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашда бор куч ва имкониятларини сафарбар этиши таъкидланди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари бошқа соҳалар борасида ҳам қатор вазифаларни белгиланган бергани, уларни амалга оширишда қўли парламент ва депутатлик назоратини йўлга қўйиш муҳимлиги айтилиб, бу борада ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари ҳамда партиянинг барча ҳудудий ташкилотлари жамоатчилик ўртасида Мурожаатнома мазмун-моҳиятини оқдий, содда тилда тушунириши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида Мурожаатномада

билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ЎзЛиДеПнинг келгуси йилга мўлжалланган "Йўл харитаси" тасдиқланди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида Мурожаатнома мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб, у мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун дастуриламал бўлиши таъкидланди.

— Ислохотлар катта машаққатлар билан амалга ошириладиган ҳаракатдир, — деди фракция раҳбари А. Қодиров. — Депутат сифатида шуни англаб етишимиз кераки, ҳар қандай машаққат одамларга тўғри тушунириш билан ҳал қилинади. Шу маънода, Мурожаатнома халқ вакилларига катта масъулият юклати, шубҳасиз. Яъни депутатларимиз жойларда сайловчилар билан учрашадган бугун ижтимоий ҳаётимизда учраётган муаммоларни, ислохотлар жараёнидаги қийинчиликларни, мамлакатимизда ҳеч қим эътибордан четда қолмаслигини тўғри тушунириши лозим.

Шунингдек, фракция аъзолари "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилиб, уни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор тақлифлар беришди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари қайд этишганидек, Мурожа-

атномада жамиятимизнинг барча жаб-ҳасига тўхталиб ўтилди. Айниқса, ислохотларнинг бош мезони сифатида инсон қадрини улуғлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга эътибор янада кучайиши айтаиб ўтилди.

Биргина одамларнинг жойларда суд-ма-суд сароси бўлиб юришларига барҳам берилиши, бунинг учун адолатли ҳўкм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилиши айтилдики, бунинг "Адолат" СДП фракцияси тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Шундан сўнг, депутатлар "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди. Ушбу ҳужжат билан 2023 йилдан бошлаб консолидацияланган бюджет таққилигининг чекланган миқдори ялпи ички махсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасини янада таъминлаштириш, пишиқ-пuxта халатга келтириш ва маромига етказиш бўйича бир қатор тақлифлар берди. Йиғилишда депутатлар қонун лойиҳаси бўйича партия позициясидадан келиб чиқиб, билдирилган тақлифлар эътиборга олингани ҳисобга олиб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

ЎзХДП фракцияси йиғилишида "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси 17 моддадан иборат, Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари, мақсадли кўрсаткичлари аниқ келтирилган. Ялпи ички махсулотнинг ўсиш суръати 5,3 фоиз бўлиши назарда тутилмоқда.

Хусусан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 5,1 фоиз, қурилиш 6,0 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги 3,5 фоиз, хизматлар соҳаси 6,7 фоизга ортиши кутиляпти.

Қонун лойиҳаси билан 2023 йилдан бошлаб консолидацияланган бюджет таққилигининг чекланган миқдори ялпи ички махсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги белгиланаётир.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш жараёнида ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар бўйича савол ва тақлифлар берган эди. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шарофиддин Назаров депутатларнинг саволларига қўшимча аниқлик киритилгани, тақлифларнинг аксарияти инобатга олинганини билдирди.

Муҳокама жараёнида қонун лойиҳаси бўйича қатор саволлар ўртага ташланди. Баҳс-мунозаралар ҳамда атраф-лича муҳокамалардан кейин депутатлар қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда фракция фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб бориладиган давлат сиёсатининг